# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 3 ноябрь, № 231 (7733) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳонда COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди.

COVID-19 коронавирус инфекцияси аввало **юрак-қон томир ва нафас олиш йўллари ҳамда семизлик (ортиқча вазн)** касаллигига чалинган фуқароларимизнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатди. Натижада, бугунги пандемия орамиздан кўплаб фуқароларимизни бевақт дунёдан кўз юмишига сабаб бўлди.

Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда зарарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан, таркибида **туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** меъёридан ортиқ истеъмол қилмасликни, бир сўз билан айтганда, **соғлом турмуш тарзини** кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар **Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда **жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш**;

оммавий спортни ривожлантириш бўйича оилалар, синфлар, меҳнат жамоалари ва ҳудудлар ўртасида **спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш**;

аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, таркибида **туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** истеъмол қилишни қисқартириш, зарарли одатлардан, хусусан, **алкоголь ва тамаки маҳсулотларини** истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этишни камайтириш;

аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, тартибсиз ва кечки уйқу олдидан овқатланиш одатларидан воз кечиш;

**санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини** оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш;

мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун **замонавий моддий-техника базасини шакллантириш**.

2. Республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда — **юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, “Workout**” (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили **104 миллиард сўмдан**;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили **10 миллиард сўмдан** маблағлар ажратилади.

**(Давоми 2-бетда).**

# «ЎҚУВ ҚАЙДА БЎЛСА, УЛУҒЛИК БЎЛУР, БИЛИМ ҚАЙДА БЎЛСА, БУЮКЛИК БЎЛУР»

*Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 октябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари кенг муҳокама этилди.*

*Мухбиримиз мажлисда белгилаб берилган долзарб вазифалар ва уларнинг ижроси бўйича соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

### Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

**Шерзод ШЕРМАТОВ,**
**халқ таълими вазири:**

— Дунёда пандемия ва у билан боғлиқ глобал иқтисодий инқироз бўлишига қарамасдан давлатимиз раҳбари мактаб таълимига алоҳида эътибор қаратмоқда. Йиғилишда юртимизда учинчи Ренессанснинг пойдеворини яратишдек улуғ вазифа қўйилди. Президентимиз таъкидлаганидек, янги Ўзбекистоннинг остонаси мактабдан бошланади, деган эзгу ғояни умуммиллий ҳаракатга айлантиришимиз лозим. Эндиликда таълим сифатини ошириш энг муҳим мақсадларимиздан биридир. Давлатимиз раҳбари, аввало, мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада Финляндия тажрибаси мисол қилиб келтирилди. Алоҳида ишчи гуруҳ тузиб, ушбу мамлакатга бориб, таълим методикасини ўрганиш ҳамда юртимизда жорий этиш топшириғи берилди. Албатта, бу топшириқни бажарамиз ва унинг натижалари юртимизда ишлаб чиқилаётган Миллий ўқув дастурида ўз аксини топади.

Давлатимиз раҳбари таълим фидойиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида урғу қаратди. Ҳар бир мактаб рейтингини ҳамда шу асосда таълим сифати бўйича туман, шаҳар ва вилоятлар рейтингини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди. Рейтинг натижаларига қараб, мактаб директорлари ҳамда уларнинг ўринбосарларига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 бараваридан 12 бараваригача рағбатлантирувчи тўловлар берилади. Шу билан бирга, халқ таълими бўлими раҳбари ва методисти, мактаб директорлари, туман рейтингида биринчи ҳамда иккинчи ўринни эгаллаган мактабларнинг 2 нафар илғор ўқитувчисига касаба уюшмалари ҳисобидан ҳар йили сиҳатгоҳларга икки ҳафталик бепул йўлланма берилади. Шунингдек, фидойи педагоглар бошқа йўллар билан ҳам рағбатлантирилади.

**Садриддин ТУРОБЖОНОВ,**
**Тошкент давлат техника университети ректори:**

— Йиғилишда биз, олий таълим муассасалари ректорлари ҳам ўзимиз учун олдимизга муҳим вазифаларни белгилаб олдик. Жумладан, мактаб таълими билан олий таълимнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосий мақсадларимиздан бири бўлади.

Йиғилишда педагог кадрлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент давлат педагогика университети педагог кадрлар малакасини оширишда республикада етакчи олий ўқув юрти бўлса, бошқа институт ва университетлар ҳам ўз йўналишларидан келиб чиқиб, мактаб ўқитувчиларининг малакасини оширишга яқиндан кўмаклашадиган бўлди.

Ушбу вазифадан келиб чиқиб, Тошкент давлат техника университети пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги мактабларнинг математика, физика, кимё фанлари ўқитувчиларининг малакасини юксалтиришга ёрдам беради. Бу эса мазкур туманда халқ таълимини янада ривожлантириш, ўқувчиларнинг олий таълимга қамровини оширишга ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

**Шавкат АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи:**

— Йиғилишда таъкидландики, эндиликда мактабларда замонавий бошқарув жорий этилади. Хусусан, мактаб директорларини лавозимга тайинлаш бевосита маҳаллий Кенгашлар билан келишилган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили Кенгашлар олдида ҳисобот беради. Бу маҳаллий Кенгашларнинг жойлардаги ҳақиқий аҳволни, ота-оналар мурожаати, маҳалладаги муҳит, мактабнинг таълим бериш жараёнларини чуқур ўрганиб, ушбу ўқув маскани директорининг фаолиятига баҳо беришига ҳам имкон яратади.

Мамлакатимизда хусусий таълим муассасаларига кенг шароит яратилаётгани боис келгуси йилдан эксперимент тариқасида кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончли бошқарувга бериш таклифи билдирилди.

Мактабларни таъмирлаш, ободонлаштириш, иситиш каби хўжалик масалаларига ҳокимлар шахсан масъул экани эслатиб ўтилди. Айниқса, мактабларни тугатган ёшларнинг кейинги тақдири ҳокимлар, сектор раҳбарларининг олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиши эътиборга молик. Шунингдек, олий ўқув юртига кира олмаган битирувчиларни муайян касб-ҳунар ёки тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратамиз.

**Юлдузхон АЗИМОВА,**
**Бўстон тумани халқ таълими бўлими мудири:**

— Юртимизда ўқитувчи-мураббийларнинг жамиятдаги обрў-эътибори ва мақомини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур йиғилишда ҳам жойлардаги раҳбарларнинг, шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг ушбу муҳим масалага ёндашуви ҳамда эътиборини тубдан ўзгартириш, уларнинг масъулияти, жавобгарлиги ва ҳисобдорлигини кучайтириш масаласига яна бир бор тўхталиб ўтилди.

Шу ўринда, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга қаратилган Президент Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилганини таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбари машҳур донишманд Юсуф Хос Ҳожибнинг “Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур, билим қайда бўлса, буюклик бўлур”, деган пурмаъно мисраларини бежиз эслатмади.

Фармон лойиҳасида таълимдаги ҳозирги муаммоларни ҳал қиладиган, яқин беш йилда натижасини кўрсатадиган ва кейинги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган мақсадлар қамраб олинган.

Жамиятда ўқитувчи-мураббийларнинг нуфузи ва мавқеини оширишга берилаётган эътибор бизни хурсанд қилиши билан бирга, зиммамиздаги бурч ҳамда масъулиятни янада кучайтиради.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ФАОНИНГ ЕВРОПА МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАНИГА РАИСЛИК ҚИЛМОҚДА

**2 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО Минтақавий конференциясининг Европа учун ўттиз иккинчи сессияси ўз ишини бошлади.**

COVID – 19 пандемияси туфайли илк бор виртуал тарзда бўлиб ўтаётган мазкур форумда БМТ шафелигидаги кўплаб йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, 30 га яқин давлатларнинг қишлоқ хўжалиги вазирлари, вазир ўринбосарлари, мамлакатимиздаги хорижий дипломатик миссия вакиллари қатнашмоқда.

1945 йилда ташкил этилган, бугунги кунда 194 давлат аъзо бўлган ФАО 130 дан ортиқ мамлакатларда ўз фаолиятини йўлга қўйган. Ташкилот зиммасидаги асосий вазифа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятини кенгайтиришдан иборат.

Ўзбекистон ФАОга 2001 йил аъзо бўлган. 2014 йили мамлакатимизда тузилма ваколатхонаси иш бошлади. 2022 йилгача мўлжалланган режага биноан, ФАО бир неча устувор йўналишда, жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа давлат ташкилотларига институционал ҳамда стратегик ёрдам кўрсатиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, бозорга кириш “занжири” ва табиий ресурсларни барқарор бошқариш, иқлим ўзгариши ҳамда биохилмахиллик масалаларида республикамиз билан ҳамкорлик қилади.

ФАОнинг Европа минтақавий сессияси илк бор Ўзбекистон раислигида ўтяпти. Йиғилиш бошида делегатлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Хўжаевни ҳар икки йилда ўтказиладиган анжуманнинг раиси этиб сайлади. Демак, кейинги икки йил мобайнида тузилма томонидан ташкил этиладиган тадбирларга Ўзбекистон раҳбарлик қилади. Мамлакатимиз вакиллари фаолият доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни бошқариб, мувофиқлаштириб боради. Лозим бўлганда ҳал қилувчи таклифларни киритади.

Эслатиб ўтиш жоиз, анжуман минтақада озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий муаммолари билан боғлиқ энг долзарб масалаларни муҳокама этиш учун яхшигина платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

➡ 3

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

*Глобал пандемия шароитида дунё давлатлари қатори юртимизда ҳам аҳолининг турмуш даражасини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг талабларини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан қондириш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.*

### Конференция

Халқаро ташкилотларнинг экспертлари, нуфузли таҳлилчилари COVID-19 пандемияси туфайли жаҳон иқтисодиётида рецессия ҳолати юзага келиши муқаррарлиги ва ушбу таназзул дунё тарихида содир бўлган барча рецессияларнинг энг хатарлиси бўлишини таъкидлашмоқда.

Аёнки, коронавирус пандемияси ҳукуматларни ўз чегараларини ёпишга мажбур қилди. Натижада дунё бўйлаб тадбиркорлик фаолияти ва ўзаро товарлар, хизматлар айирбошланишига жиддий путур етди. Ҳаракатлар чекланиши, етказиб бериш ҳамда авиация саноатидаги узилишлар озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнини, уларни халқаро кўламда ташишни қийинлаштирди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва таъминот “занжири”нинг бузилишига ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигига раҳна сола бошлади.

Бундай ҳолат келажакда озиқ-овқат муаммосини янада чуқурлаштиради. Ҳатто айрим давлатларда очарчиликнинг авж олиши оқибатида ижтимоий бўҳроннинг юзага келиш хавфи мавжуд. Шундай экан, ушбу балога қарши дунё олимлари, тажрибали экспертлар бирлашган ҳолда ҳаракат қилишлари лозим. Ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига мувофиқ, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Германиянинг IAMO (Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш илмий-тадқиқот институти) ҳамда АҚШнинг IFPRI (Халқаро озиқ-овқат сиёсати тадқиқотлари илмий-тадқиқот институти) институтлари билан ҳамкорликда “Марказий Осиёда соғлом иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва ҳудудий ҳамкорлик” мавзуида халқаро онлайн илмий-амалий конференция уюштирилди.

Конференцияда Германия, Италия, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Португалия, Россия ҳамда МДҲ давлатларининг 30 дан зиёд профессор-ўқитувчилари, эксперт мутахассислари тақдимот маърузалари билан қатнашди. Онлайн платформа юртимиз ва хорижлик олимлар, сиёсатчилар, ишбилармонлар ҳамда фуқаролик жамиятлари вакиллари учун озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муҳокамалар майдонига айланди.

➡ 2

# АҲОЛИНИНГ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

*Сувнинг ҳаётимизда тутган ўрнини таърифлашга ҳожат йўқ. Бинобарин, унинг нафақат тириклик манбаи, балки жамият фаровонлигини белгилаб берувчи муҳим омил экани барчага аён. Шу боис мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.*

### Долзарб мавзу

Хусусан, сўнгги икки йилда мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини яхшилаш учун бюджетдан 3,7 трлн. сўм ажратилгани, 48 та лойиҳага 1,9 млрд. доллар хорижий кредитлар жалб қилингани бунинг яққол далилидир. Натижада мамлакат бўйича 1 минг 734 та иншоотда 6 минг 463 километр ичимлик ҳамда 300 километрга яқин оқова сув тармоқлари тортилди.

Мавжуд ресурслардан фойдаланишни самарали тартибга солиш учун сув ресурсларини бошқариш бўйича янги тузилмалар иши йўлга қўйилгани ҳам эътиборга молик. Аҳолининг 67,8 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Ер ости сув манбаларига эга бўлган ҳудудларда марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси Тошкент шаҳрида 99,7 фоизни, Фарғона вилоятида 83,4 фоизни ва Самарқанд вилоятида 63,7 фоизни ташкил этади.

Кўриб турганимиздек, бу йўналишдаги муаммоларни бартараф қилишга жуда кўп маблағ ва куч сарфланмоқда. Бироқ натижа кутилганидек эмас. Негаки, соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ҳамда айрим мутасаддиларнинг вазиятга панжа орасидан қараши, қолаверса, тегишли тузилмалар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тизимда шаффоф назорат механизми йўқлиги кўп ресурс сарфланиши эвазига етарли бўлмаган натижалар билан чекланишга сабаб бўляпти.

➡ 3

# АНИҚ РЕЖА ВА ТАЛАБЧАНЛИК АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРИШ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда ўтган ҳафтада Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш борасида белгиланган вазифалар чуқур мушоҳада этилди.*

### Қонунчилик палатаси фракцияларида

Устувор масалалардан келиб чиқиб, барча даражадаги депутатлик бирлашмаларининг таълим-тарбия йўналишидаги фаолиятини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, ҳар бир ҳудудда аниқ режа ва талабчанлик асосида иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам қизғин муҳокама қилиниб, таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, келгуси йилдан эксперимент тариқасида кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончли бошқарувга беришга оид ташаббусни ижобий баҳолади. Қайд этилишича, олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва қамровни ошириш, ҳар бир ҳудудда камида биттадан нодавлат олий билим юрти очиш ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ. Зеро, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотлари ташкил этилмаса — рақобат бўлмаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам ўзгармайди.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида **“Соғлом турмуш тарзи” (www.1hls.uz) платформасини яратиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида **ўн минг ва ундан ортиқ қадам** юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига **3 минг сўмдан**;

ҳар ойда ҳар бир **туман (шаҳар)** бўйича энг кўп юрган шахсга **300 минг сўмдан**, ҳар бир **ҳудуд** бўйича энг кўп юрган шахсга **500 минг сўм**, **республика** бўйича энг кўп юрган шахсга **1 миллион сўм** қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилади.

Белгилансинки:

“Соғлом турмуш тарзи” платформасини ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юклатилади;

“Соғлом турмуш тарзи” платформаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан IT-парк дирекцияси резидентлари билан биргаликда **2021 йил 1 мартга** қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилади ва доимий равишда техник қўллаб-қувватланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 15 ноябрга қадар** ҳар бир туман маркази ва шаҳарларда пиёда ва велосипедда юриш учун **“Саломатлик йўлаклари”**ни ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирсин, 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш ишларини бошласин ва **2021 йил 1 майга қадар** тугатсин.

Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

пиёдалар ва велосипед йўлакларининг умумий узунлиги **3 — 5 километрни ташкил этиши ҳамда ўзаро узвий боғлиқ бўлиши**;

замонавий, энерготежамкор (ҳаракат сенсорлари билан жиҳозланган) **ёритиш тизимлари ва ёруғлик қайтарувчи, йўлакларнинг бошланиши, оралиғи ва якунини кўрсатувчи йўл белгилари билан тўлиқ таъминланиши**;

пиёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этишда алоҳида ҳаракатланиш имкониятлари яратилиши ҳамда **ногиронлиги бўлган шахслар учун “тўсиқсиз муҳит”** ташкил этилиши.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил учун инвестиция дастури доирасида марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан марказий кўчаларни модернизация қилиш учун жами **1,4 триллион сўм** маблағлар ажратилишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2021 йил давомида босқичма-босқич барча туманларда аҳоли учун қулай бўлган кўчаларда умумий узунлиги **50 километр бўлган пиёда ва велосипедда юриш учун “Саломатлик йўлаклари”**ни ташкил этсин.

Мазкур мақсадлар учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2023-2024 йилларда қайтариш шарти билан **20 миллион АҚШ доллари** миқдорида фоизсиз ссуда ажратсин.

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, **2022 йилдан бошлаб Нукус, Бухоро, Нурафшон, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз ва Қўқон шаҳарларида** ҳамда 2023 йилдан бошлаб республиканинг барча йирик шаҳарларида пиёда ва велосипедда юриш учун “Саломатлик йўлаклари” ташкил этилиши таъминлансин.

7. Вазирлар Маҳкамаси **2021 йил 1 июнга қадар** юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини ҳамда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, **“Соғлом аёл — буюк келажак”** ғоясини ўзида мужассам этган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

8. Қурилиш вазирлиги **2021 йил 1 январга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда янгидан барпо этилаётган кўп қаватли тураржойларни қуриш бўйича тасдиқланган амалдаги шаҳарсозлик нормаларига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритсин:

аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларида велосипед тураржойлари ва замонавий спорт (шу жумладан, Workout) майдончаларини ташкил этиш;

маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари”ни қуриш;

автомобиль ҳаракати юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этиш.

9. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

**ҳар чоракда** ҳар бир туман (шаҳар)да **“Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла” танловини** ташкил этсин;

**бир ой муддатда** танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Бунда, маҳалла аҳолиси доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этилиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши кўрсаткичлари назарда тутилсин;

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан танловда **биринчи ўринни** эгаллаган маҳаллага **10 миллион сўм**, **иккинчи ўрин** учун **5 миллион сўм** ва **учинчи ўринга 3 миллион сўм** миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, пул мукофоти маблағлари маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисоб рақамига ўтказилади ҳамда маҳаллада спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш, спорт тадбирларини ўтказиш мақсадларига истисно тариқасида тендер савдоларисиз йўналтирилади.

10. Бош вазир ўринбосарлари Ж.Кўчқоров ва А.Абдухакимов 2020 йил 1 ноябрга қадар Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг таклифларига асосан 2021 йилда:

умумтаълим мактабларига **50 та спорт зали қурилиши учун 100 миллиард сўм**;

спорт таълим муассасаларига **48 та спорт иншооти қурилиши учун 400 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин ва тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги 2021 йил 10 апрелга қадар 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумтаълим мактабларини спорт заллари билан тўлиқ таъминлаш, ҳар бир туман (шаҳар)да моддий-техника базасига эга бўлган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ҳамда бошқа жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш ва жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, келгуси йилларда умумтаълим мактаблари спорт заллари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва спорт таълим муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш параметрларини сезиларли ошириб борсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномаларида:

**иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари**;

технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, **ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар** белгиланади.

13. **2021 йил 1 январдан** барча давлат органлари ва ташкилотларида:

соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга **“Спорт тарғиботчиси”** қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига **20 фоиз** миқдорида устама белгилаш йўлга қўйилсин;

**иш вақтидан сўнг** танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) **раҳбар ва барча ходимларнинг** жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланиши таъминлансин;

**ҳар шанба соат 14:00 дан кейин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида** югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқа спорт турлари бўйича **оммавий спорт мусобақалари** ташкил этилсин. Бунда, мусобақалар байрамона руҳда, “шоу” кўринишида ўтказилишига, ғолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитларни яратишни (тренажёр зали, “Workout” майдончаси, спорт майдончалари ва хоналари, спорт машғулотлари ва мусобақалари) молиялаштириш давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин;

биринчи раҳбарлар **“Шахсий намуна”** тамойили асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш) яхшилаш орқали ходимларнинг антропометрик кўрсаткичлари яхшиланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин;

веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета, интернет тармоғи) орқали бу борада амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг аҳамияти мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминласин.

14. Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 июлдан бошлаб**:

**вазирлик, идора, корхона, ташкилот, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида** фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, рейтинг асосида таҳлил қилиш ҳамда натижаларни онлайн кузатиб бориш тизимини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ҳудудда оммавий спорт билан шуғулланувчилар сонининг ошишига, соғлом овқатланишга, хусусан, таркибида **туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** истеъмол қилишни қисқартиришга, зарарли одатлардан, **алкоголь ва тамаки маҳсулотларини** истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этиш кўрсаткичлари камайишига қараб ишига баҳо бериш бўйича рейтингини рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини жорий этсин ҳамда **“Соғлом турмуш тарзи”** платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов томонидан тақдим этилган **рейтинг кўрсаткичлари асосида**:

**рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини** ҳар ярим йиллика танқидий муҳокама қилиш;

**рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган давлат органлари раҳбарларини** рағбатлантириш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

16. Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

**икки ой муддатда** умумтаълим, профессионал ва олий таълим муассасаларида дарслар оралиғида (катта танаффус вақтида) **“Спорт дақиқаси”** жисмоний машқлари, дарслар бошланишидан олдин 2 дақиқа нафас олиш машқларини ўтказишни амалиётга жорий этсин;

**2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** ўқувчилар, талабаларнинг ёш тоифасига қараб уларнинг жисмоний кўрсаткичларини (югуриш, отиш, сакраш, тортилиш) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, “**Кундалик”** рейтинг дафтарига алоҳида саҳифада киритсин ҳамда ҳар чорак таҳлиллари ва натижалари акс эттирилишини таъминласин.

17. Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларида **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** умумий ўқув соатлари доирасида **жисмоний тарбия фанини барча синфларда ҳафтада 2 соатдан** ўқитишни ташкил этсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) бир ой муддатда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг врач ва ўрта тиббий ходимларини диетология бўйича тайёрлаш, шу жумладан, амалий кўникмаларини шакллантириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилсин;

б) **2021 йил 1 мартга қадар** Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда ортиқча вазнга эга бўлган шахслар учун ўртача кунлик овқатланиш меъёри ва рационини ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқсин ва уни аҳоли орасида доимий тарғиб қилиб борсин;

в) қуйидагиларни:

мактабгача таълим ташкилотларининг тиббиёт ходимлари ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидан умумтаълим мактабларига бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан тарбияланувчилар ва ўқувчилар соғлиғи ва жисмоний камолоти доимий равишда назоратга олинишини, уларнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишини, бадантарбия машқлари ўтказишини ва мунтазам равишда спорт билан шуғулланишини, соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинишини, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилишини, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилишини;

мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, таркибида **туз, қанд ва ёғ миқдори меъёридан ортиқ бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликлар, нон маҳсулотлари** истеъмолини камайтириш бўйича оилалар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришни;

**2021 йил 1 мартга қадар** тиббиёт ходимлари томонидан болаларнинг соғлиғини инобатга олган ҳолда, жисмоний тарбия билан шуғулланиши устидан назорат ўрнатилишини ва болаларнинг саломатлиги асосида тиббий-соғломлаштириш гуруҳларига ажратилишини ҳамда шунга қараб жисмоний чиниқтириш миқдори белгиланишини таъминласин;

г) Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқсин.

19. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2025 йилга қадар** ҳудудий ва тегишли тармоқ дастурлари доирасида таълим муассасаларини, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрсин.

20. Молия вазирлиги:

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган рўйхат асосида мактабгача ва умумтаълим муассасаларини бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш харажатлари учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин, бунда ушбу мақсадлар учун **2021 йилда ҳар бир давлат мактабгача таълим ташкилотига 2 миллион** сўмдан, **умумтаълим муассасасига 5 миллион** сўмдан ажратсин;

**2021 йил 1 январга қадар** аҳоли саломатлиги учун зарарли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга махсус йиғим жорий этиш ва ушбу тушумларнинг бир қисмини **“Соғлом турмуш тарзи”** платформасини сақлаш харажатларини ҳамда мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган тўловларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида марказлашган тартибда рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, барча тизим ташкилотларига ягона электрон дастурий таъминотни яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш учун маблағ ажратсин.

21. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йилдан бошлаб** Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан **“Соғлом турмуш тарзи”** платформасида рўйхатдан ўтган ва ундан фойдаланган жисмоний шахслар сонига ҳамда уларнинг спорт натижаларига қараб вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг **ҳар чорак якуни** бўйича рейтинги тузилади ва улар фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан баҳо берилади.

22. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудларда хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт иншоотлари базасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида спорт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ёки давлат спорт муассасалари фаолияти турини ўзгартирмаслик шарти билан уларни хусусийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиб, **2021 йил 1 мартга қадар** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, талаб юқори бўлган спорт турини танлаб олиб, мазкур йўналишдаги муассасаларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, сақлаш ва молиялаштиришни босқичма-босқич қисқартириш, давлат спорт муассасаларининг бўш ер майдонларида спорт майдончалари ва иншоотлари, меҳмонхоналар, спорт кийимлари ва жиҳозларини сотишга мўлжалланган дўконлар, соғлом овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фитобарлар, фитнес марказлари учун бинолар қурилишига рухсат берилишини назарда тутсин.

23. Инновацион ривожланиш вазирлиги **2021 йилдан бошлаб ҳар йили**:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун **10 миллиард сўмдан** кам бўлмаган миқдорда грант маблағлари;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушини ошириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларига таянч докторантура ва докторантура учун камида **10 та** ўрин ажратилишини таъминласин.

24. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Фанлар академияси ва Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази билан биргаликда **2021 йил 1 сентябрга қадар** республика ҳудудларида экспедиция ташкил қилган ҳолда **миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш асосида “Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси”**ни тайёрласин ва чоп этсин.

Белгилансинки, “Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси”ни тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

25. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда **туз, қанд ва ёғ миқдори меъёридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг** рекламасига қуйидаги чекловлар ўрнатишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин:

таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари ҳудудида ҳамда жамоат транспортида реклама қилиш;

болалар, анимацион персонажлар ва болалар кўрсатувлари қаҳрамонлари иштирокида реклама қилиш;

оммавий ахборот воситаларида болалар учун мўлжалланган кўрсатувлардан 30 дақиқа олдин ва кейин намойиш қилиш.

26. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

а) мунтазам равишда:

ёшлар, хусусан, боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида **“Болаликдан спортга”**, **“Тонгги гимнастика”**, умумтаълим мактабларида “**Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ бажар!**”, **“Қувноқ стартлар”** синфлараро, **“Катта ёшдагилар учун аэробика”**, **“Бошланғич йога машғулотлари”**, **“Ортиқча вазндан воз кеч!”** каби спорт машғулотларини ҳамда оилалар ўртасида ўтказиладиган “**Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи!**” телевизион спорт мусобақаларини телеканалларда намойиш этиш;

барча телеканаллар, шу жумладан, хусусий телеканаллар эфирида **ҳар куни уч марта** (соат 7:00, 12:00 ва 17:00 да) **нуфузли спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари иштирокидаги 5 дақиқадан иборат оммавий бадантарбия машғулотларини** узатиш;

аёллар ва кексалар учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича **“Соғлом турмуш тарзи”** кўрсатувларини намойиш этиш;

б) **2021 йил 1 январдан бошлаб** “Спорт” телеканалида:

**давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ходимларининг** жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларини, шунингдек, мазкур Фармон доирасида ўтказилаётган спорт мусобақаларини доимий равишда ёритиб бориш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

**давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан** мазкур Фармон ижроси асосида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, уларда фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимлар, аҳолининг антропометрик (семизлик даражасини, вазн индексини), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш кўрсаткичлари рейтинги натижаларини ёритиб бориш;

в) мазкур Фармоннинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида барча давлат ва хусусий телеканаллар, ижтимоий тармоқларда ҳамда блогерлар иштирокида танқидий муҳокамалар ташкил қилиш ва ёритиш тавсия этилсин.

27. Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ҳокимликлари, давлат органлари ва ташкилотлари:

ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун йил давомида ўтказиладиган ҳафталик мусобақаларни ўтказиш календарь режасини тасдиқласин;

йиллик харажатлар сметасини шакллантиришда мазкур мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

29. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг Андижон шаҳридаги марказий стадион номини “**Bobur Arena**”, Самарқанд шаҳридаги марказий стадион номини “**Afrosiyob Arena**” деб номлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда аҳоли орасида сўров ўтказиш орқали ҳудудлардаги йирик спорт иншоотларига** улар жойлашган ҳудуд хусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек, **Ўзбекистон тарихи ва спортида ном қолдирган тарихий шахсларнинг номлари** берилишини ташкил этсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг барча қўмиталар, депутатлар, сенаторлар, сиёсий партиялар фракциялари ўртасида **“Парламент ўйинлари”** спорт мусобақаларини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

31. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни янада ривожлантиришга доир Ҳукумат қарорини тасдиқласин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

33. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

34. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 октябрь

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

1

Халқаро конференция COVID-19 пандемияси шароитида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳитини шакллантириш ва қўшилган қиймат “занжири”ни яратиш омиллари, қишлоқ хўжалигида таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш интеграцияси ва халқаро майдонда юз бераётган янги тенденциялар, қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялар ва ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш йўллари каби бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бугун қиш-лоқ хўжалиги нафақат озиқ-овқат хавфсизлиги, балки саноат корхоналарини қайта тикланувчи хом ашё ресурслари билан таъминлашда муҳим манбага айланди, — дейди Германия Федератив Республикаси озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирининг Халқаро алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Фридрих Вокер. — Шу боис кўплаб давлатларда ушбу тармоққа бўлган муносабат ўзгариб бормоқда.

Биз халқларимизга сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эга бўлиш учун лозим даражадаги барча неъматларни ярата олмаймиз. Шу сабабли ҳар бир ҳудуднинг хусусияти ва имкониятларини инобатга олиб, озиқ-овқат таъминоти каналларини кенгайтиришимиз зарур. Шу билан бирга, озиқ-овқат таъминоти ҳудудларини диверсификациялаш ҳам халқаро савдонинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Пандемия даврида бу ўз исботини топганига гувоҳ бўлдик.

Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистонда бу йўналишда катта ишлар амалга оширилаётгани таҳсинга сазовор. Бу масалада илмий-тадқиқот ташкилотларининг ҳам ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, соҳада кичик ва ўрта фермерликни ривожлантириш, иқлим ўзгариши шароитида инновацион ҳамда янги ноанъанавий усуллар орқали барқарор қишлоқ хўжалигини ташкил этиш бўйича ҳудудлар тажрибаси ортиб бормоқда. Анжуманда тадқиқотчиларнинг муҳим фикр ва ғоялари асосида Марказий Осиёга яхлит бир ҳудуд сифатида қараб, ҳар бир давлат эҳтиёжига мос ечимлар топишга интилдик.

Америка Қўшма Штатларининг Халқаро озиқ-овқат сиёсати тадқиқотлари илмий-тадқиқот институти (IFPRI) бош директори Йоҳан Свиннен қуйидагича фикр билдирди:

— Пандемия тадқиқот оламига ҳам таъсир кўрсатди. Бизнинг фаолиятимиз ҳам маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда тадқиқотларни ўтказишнинг янгича, ностандарт усулларидан фойдаланишни талаб этмоқда. Ҳозир веб-сайтимизда COVID-19 пандемияси билан боғлиқ 90 та озиқ-овқат хавфсизлиги ва қашшоқликка унинг таъсири бўйича 50 дан кўп блоглар яратдик. Биз деярли 25 дан зиёд виртуал тадбирларни уюштирдик ҳамда август ойида пандемия билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳақида кўплаб олим ва экспертларнинг таҳлилларини бирлаштирган электрон китобни нашрдан чиқардик. Буларнинг барчаси веб-сайтимизда ўз аксини топган. Виртуал китоблар сайтимизда очиқ ҳолатда турибди, ундан бемалол фойдаланиш мумкин.

Марказий Осиё минтақасида бир нечта янги сиёсий ўзгаришлар амалга оширилди. Масалан, Ўзбекистон ҳукумати Евроосиё иқтисодий иттифоқига қўшилиш масаласини кўриб чиқмоқда. У ЖСТга аъзо бўлиш учун ариза берди ва 2030 йилгача қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат секторини ривожлантиришнинг янги, улкан стратегиясини қабул қилди. Буларнинг барчаси, минтақа ҳақиқатан ҳам ўзгариши учун озиқ-овқат тизими муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот институтлари консорциуми — CGIAR бош директори ўринбосари Екатерина Кривоноснинг айтишича, дунё аҳолисининг тўққиз фоизи кунига 1 доллардан кам бўлган даромад билан яшамоқда. Бу, жаҳон аҳлининг маълум қисми соғлом овқатланмаётганини англатади.

Қашшоқлик қишлоқ жойларда шаҳарларга қараганда уч баравар юқори даражада. COVID-19 пандемиясининг иқтисодий таъсири натижасида, 2020 йили қашшоқлик 20 фоизга, яъни қўшимча 40 миллион кишига кўпайиши кутилмоқда.

Пандемия туфайли жорий йилда дунёдаги тўйиб овқатланмаганларнинг умумий сони 3 милиондан 132 миллионгача кўпайиши хавотирли ҳолат. Бундан ташқари, тенгсизлик, тўйиб овқатланмаслик, қашшоқлик қишлоқ аҳолиси орасида давом этмоқда.

Ер, озиқ-овқат ва сув тизимлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу муаммолар давлат, хусусий, жамоат ҳамда фуқаролик жамиятлари ўртасида мувофиқлаштирилган ҳаракатлар орқали ҳал қилиниши керак. Бу борада Ўзбекистон яхши тажриба тўплаётгани диққатга сазовор.

— Қишлоқ хўжалиги экинларидаги маҳсулдорликнинг пастлиги, — дейди Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш илмий-тадқиқот институти директори, профессор Томас Глаубен (Германия Федератив Республикаси), — озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш “занжири”нинг етарли даражада ривожланмаганлиги, самарасиз логистика тизимининг мавжудлиги, транзакцион харажатларнинг юқори бўлиши савдодаги потенциал даромад ва озиқ-овқат “занжири” иштирокчиларининг бозорга киришини чеклайди.

Шундай қилиб, озиқ-овқат иқтисодиётининг мослашувчанлиги ва барқарорлигини ошириш учун илғор стратегиялар талаб қилинади. Шу нуқтаи назардан, инновациялар, хусусан, рақамли янгиликлар ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситаси бўлиши лозим.

Ўзбекистонда илм-фан ва таълим соҳасидаги тадқиқотлардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришга интеграция қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Қолаверса, Марказий Осиё давлатлари билан тенг ҳуқуқли шериклик ҳамда манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани озиқ-овқат секторини барқарор ривожлантиришга ёрдам беради.

**«Халқ сўзи».**

# БУХОРОДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ САҚЛАШГА ЭЪТИБОР ҚАЙ АҲВОЛДА?

*Дунёда қадимий шаҳарлар кўп. Улар орасида Бухоро ўзига хос ўрин тутади. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу кўҳна шаҳар тилга олинганида, табиийки, унинг ўтмиши ва бой маданий меросидан гувоҳлик берувчи тарихий обидалари кўз олдимизда гавдаланади.*

## Қонун ва ижро

Хўш, Бухоро вилоятида уларни асл ҳолида сақлаш ҳамда келгуси авлодларга бус-бутун етказиш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Аниқроқ айтадиган бўлсак, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жойлардаги ижроси қандай?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши ўтказган қўшма мажлис айнан шу масалага бағишланди. Унда Сенат қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан вилоятда мазкур Қонун ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, вилоятда жами 829 та моддий маданий мерос объекти ушбу йўналишдаги кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган. Уларнинг 287 таси археология ёдгорлиги, 507 таси архитектура объекти, 18 таси диққатга сазовор жой ҳамда 17 таси монументал ёдгорликлардир.

Мажлисда ушбу объектларни ўрганиш жараёнида маданий меросни асраш соҳасида қатор камчилик ва муаммолар аниқлангани қайд этилди. Жумладан, юқорида айтилган Қонунга кўра, аҳоли уй-жойлари маҳаллий аҳамиятга молик моддий маданий мерос объектларининг қўриқланадиган теграсидан камида 50 метр, республика аҳамиятига молик бўлганларидан 100 метр узоқликда бўлиши шарт.

Аммо Бухоро вилоятидаги кўплаб объектларда мазкур талаб бажарилмаяпти. Хусусан, ишчи гуруҳ томонидан Ғиждувон туманидаги "Қассобони боло", "Бозори қаймоқ", "Бобораҳимбой" масжидлари ҳамда "Тошҳаммом" тарихий объектлари атрофида, қўриқланадиган тегараларида юзлаб аҳоли уйлари жойлашганлиги аниқланган.

"Ипак йўли: Зарафшон дарёси ва Қайроққум йўналиши" (Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон) чегаралараро обидалар қаторида Бухоро вилоятида жойлашган 7 та объект, яъни Чор-Бакр ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари, Вобкент минораси ҳамда Чашмаи Аюб мақбараси архитектура объектлари, қадимги Пойкент, Варахша ва Вардонзе шаҳар қолдиқларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича халқаро мезонлар асосида номзодлик ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси ижроси ҳамон тўлиқ таъминланмаган.

Шунингдек, учта археология объекти атрофида ёрдамчи ва хўжалик бинолари қурилган бўлиб, уларни бартараф этиш юзасидан Жондор, Бухоро, Шофиркон ҳамда Коғон туманлари ҳокимликларига мурожаат йўлланган. Бироқ мазкур мурожаатлар эътиборсиз қолдирилган.

Вилоятда юридик ва жисмоний шахслар томонидан Қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати амалга оширилиб, 2019-2020 йилларда 10 та ҳолат бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Бухоро шаҳар прокуратурасига тақдим қилинган. Натижада Маъмурий суд қарори билан уч нафар фуқарога нисбатан жарималар қўлланилган. Лекин қолган еттитаси бўйича қандай чоралар қўлланилгани тўғрисида маълумот мавжуд эмас.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан фаол фуқаролар ихтиёрийлик ва танлов асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашининг қарори асосида моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор этиб тасдиқланиши белгиланган. Уларнинг фаолияти юзасидан махсус Низом ҳам тасдиқланган.

Бироқ ушбу вазифа ижроси ҳам тўла таъминланмаган. Хусусан, Ғиждувон туманидаги учта тарихий объектга жамоатчи инспекторлар бириктирилмаган. Афсуски, ушбу масаладан маҳалла фуқаролар йиғини раисининг мутлақо хабари йўқ. Бунинг оқибатида "Қассобони боло" масжиди ёнида ташкил этилган чиқиндихона моддий-маданий мерос объекти қийматига путур етказаётгани янада ачинарлидир.

Ғиждувон туманидаги Абдухолиқ Ғиждувоний мажмуаси таркибидаги Мирзо Улуғбек мадрасасининг учта ҳужраси озиқ-овқат ҳамда бошқа буюмлар омборига айлантирилгани ҳам маълум бўлди.

Мажлисда юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларига кўрсатмалар берилди. Муҳокама қилинган масала бўйича Сенат қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# АНИҚ РЕЖА ВА ТАЛАБЧАНЛИК АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРИШ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ



1 Кун тартибидаги яна бир масала — "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2682-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Таъкидланганидек, сўнгги уч йилда судлар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид жами 1 минг 835 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилган бўлишига қарамай, тартибга солиш борасида кутилган натижага эришилмаган. Шу жиҳатдан соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу қонун лойиҳаси тайёрланган.

Депутатларнинг фикрича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши билан шаҳарсозлик соҳасидаги қонун бузилишларига йўл қўйган фуқаролар ва мансабдор шахсларга ўз вақтида чора кўрилиши орқали қурилиш сифати ошишига, маъмурий ишлар бўйича судларда кўриладиган ишлар ҳажмининг камайишига эришилади.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** аъзолари илм-фан соҳаси тараққиётини кафолатлаш мақсадида ишлаб чиқилган Президент Фармони лойиҳаси мамлакатимизда учинчи Уйғониш ғоясини амалга оширишнинг амалий дастури бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилишда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг маълумотлари асосида Сенат томонидан маҳаллий Кенгашларнинг Конституция ҳамда қонунларга, Президент ҳужжатларига зид келадиган қарорларини бекор қилиш механизмлари яратилади. Шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатларини жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги прокурор тақдимномасини фақат тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан кўриб чиқиш тартиби жорий этилади.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, ушбу ҳужжатнинг амалиётга киритилиши билан маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги таъминланади, уларнинг дахлсизлик кафолатлари кучайтирилади, мақоми янада ошади.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида сўзга чиққан депутатлар томонидан сўнгги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилаётганлиги, мактабгача таълим, мактаб ҳамда олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй бераётганлиги ижобий ҳолат сифатида баҳоланди.

Фракция аъзолари томонидан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган Президент Фармони лойиҳасига барча ҳудудий маҳаллий Кенгашларда ҳамда бошланғич партия ташкилотларида соҳа ходимлари иштирокида муҳокамалар ташкил этиб, ҳаётий таклифларни киритиш зарурлигига келишиб олинди.

"Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаларида депутатлар томонидан истеъмолчиларнинг суғурта соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган моддаларга алоҳида эътибор қаратилди. Тавсифловчи характерга эга ҳамда замон талаблари ва воқеликларига тўлиқ жавоб бермайдиган моддалардан воз кечиш кераклиги, қонун лойиҳаси суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ўртасидаги маъмурий муносабатларнинг барча жиҳатини қамраб олиши, бевосита таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, фракция ҳамда партия позициясидан келиб чиққан ҳолда, тегишли таклифлар билдирилди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида Президент Фармони лойиҳасида мамлакатимиздаги таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича янги механизм ва долзарб вазифалар белгилангани қайд этилди. Уларни ҳаётга татбиқ қилиш учун марказдан то олис қишлоқларгача тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш талаб этилади. Мана шу жараёнда парламент, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Фракция йиғилишида янги таҳрирдаги "Суғурта фаолияти тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг асосий ғояси суғурта фаолиятини тартибга солишни яхшилаш ҳамда бу соҳада халқаро стандартларни изчил амалга ошириш орқали ҳуқуқий асосни такомиллаштиришдан иборат. Депутатлар суғурта билан боғлиқ муносабатларни ривожлантириш зарурлигини, бу жамиятда ҳуқуқ ҳимояси ва ижтимоий муҳофазани кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтишди. Ушбу долзарб қонун лойиҳасига иккинчи ўқишгача фракция таклифларини шакллантириш бўйича масъул депутатлар белгиланди.

Йиғилишда, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим вазирига юбориш учун тайёрланган олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларида олиб борилаётган ҳуқуқий таълим ва тарбия ишлари самарадорлиги тўғрисидаги парламент сўрови кўриб чиқилиб, депутатларнинг фикр-мулоҳазалари асосида қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ва илгари сурилган ғоялар асосида фракция олдида турган долзарб масалалар хусусида фикр алмашди.

Қайд этилганидек, таълим соҳасини ривожлантириш барча бўғиндаги раҳбарлардан юксак масъулият ва юқори даражадаги жавобгарликни талаб қилади. Зеро, йиллар давомида кўринмайдиган, аммо натижаси яқин 10 — 15 йилда бутун мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартиришга асос бўладиган омиллар борки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Уларни ўз вақтида бартараф этиш ҳаётий заруратдир.

Шу нуқтаи назардан, фракция аъзолари таълим тизимидаги ўзгаришларни халқимизга етказиб, дахлдорлик ҳиссини ошириш, Фармон қабул қилингач, ижросини назоратга олиш Экопартия ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари олдида турган муҳим вазифа эканини таъкидлади. Айни чоғда бу борада амалий саъй-ҳаракатлар бошлангани ҳам маълум қилинди.

Шунингдек, йиғилишда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат геология-қидирув ишлаб чиқаришни ривожлантириш, минерал хом ашё базасини яратиш ва кенгайтириш, геология-қидирув ишларида экологик тоза, илғор ҳамда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш соҳа учун чуқур билимга эга кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур унвоннинг таъсис этилиши геология соҳасида фаолият юритаётган ходимлар касб байрамини кенг нишонлаш, улар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда соҳа ходимларининг жамиятдаги мавқеи ортишига хизмат қилади.

Йиғилишларда фракциялар ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).**

# ИСЛОҲОТЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШДА ЁШЛАР ФАОЛ ҚАТНАШАДИ

*Бугунги кунда юртимизда миллий демократик давлат қуриш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, иқтисодиётни янги асосда ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда сифатини ошириш, ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт, туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни изчил ривожлантириш ва айниқса, инсон капитали, аёллар, кексалар ҳамда ёшларимиз учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш доимий эътиборда.*

## Фикр

Яқинда project.gov.uz сайтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди. Бу эса янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳа қатори таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилаётгани, миллий таълим тизимида инқилобий ўзгариш, учинчи Ренессанснинг асосий пойдевори шаклланаётганининг ёрқин исботи бўлди.

Ушбу Фармон лойиҳаси Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудида кенг муҳокама қилинмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабида ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида уюштирилди.

Айниқса, Фармон лойиҳаси юзасидан Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида ташкил этилган амалий мулоқотда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, университет профессор-ўқитувчилари, Ёшлар парламенти аъзолари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этиб, бир қатор таклифлар билдирди.

Шу ўринда Олий Мажлис Сенати Ёшлар парламентининг Илм-фан, маданият ва туризм масалалари комиссияси аъзолари томонидан илгари сурилган ҳаётий таклифларни айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, жорий йилда Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда яшаётган, кам таъминланган оилаларга мансуб қизлар учун олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида давлат гранти асосида ўқиш учун 940 та ўрин ажратилди. Бу эса ўқувчи-қизларимизнинг ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топишида мустаҳкам пойдевор бўлиши, шубҳасиз. Юртбошимиз ташаббусининг узвий давоми сифатида Ёшлар парламенти мамлакатимизда ОТМга айнан хотин-қизларимиз учун қатъий фоиз квоталарини белгилашни таклиф этади.

Масалан, сиёсий партиялар томонидан сайловларда 30 фоиз хотин-қизлар номзоди кўрсатилиши Сайлов кодексида қатъий белгилаб қўйилган. Натижада бугунги кунда, сенатор ва депутат хотин-қизларимиз сони ортиб бораётгани эътиборга молик.

Ўйлаймизки, Президентимиз ташаббуси билан ажратилган квотлар сони янада ортиб, ҳуқуқий мезонлар билан белгилаб берилиши эса, жамиятда фаол, қатъий ҳаётий позицияга эга хотин-қизларнинг ўрни ошишида муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, Ёшлар парламенти аъзолари томонидан Фармон лойиҳасига таълим-тарбия масаласига бутун жамият эътиборини кучайтириш, ёш авлодга таълим билан бирга тарбия бериш жараёнлари ўртасида узвийликни таъминлаш, таълим муассасалари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик орасида ўзаро ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш бўйича ҳамда 5 йиллик иш стажи бўлган бакалавр даражасига эга ходимларга ҳам фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш имкониятини яратиш ва таълимда Гендер тенгликни таъминлаш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар билдирилди.

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари бундан буён ҳам бундай Фармон ва қарорлар, қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик орасида муҳокама қилиш орқали янада такомиллаштириш ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган тизимли ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этади.

**Севара МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламентининг Илм-фан, маданият ва туризм масалалари комиссияси раиси.**

# МЕҲНАТ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШДА ҚАНДАЙ КАМЧИЛИКЛАР БОР?

*Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси ижроси доирасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу борада қандай камчилик ва муаммолар кузатиляпти?*

## Қўмита эшитуви

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда ЎзЛиДеП фракцияси томонидан видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган тадбирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ушбу масалалар юзасидан ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида барча йўналишда республика бўйича жами 270,5 мингта иш ўрни ташкил этилган бўлса, бугунги кунга қадар 462,0 минг нафар фуқарони ўзини ўзи банд қилган шахслар махсус мобиль илова орқали давлат солиқ органлари рўйхатидан ўтказилишига эришилган.

Ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, даромад манбаини яратиш мақсадида вазирлик томонидан янги инструментлар жорий этилган. Жумладан, шу йилнинг 9 ойи давомида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 243,9 минг нафар, шундан пандемия даврида 197,0 минг нафар ишсиз, шунингдек, четга ишлаш учун кета олмаган ва қайтиб келган фуқароларнинг доимий ишга жойлашишига кўмаклашилган.

Юртимизда 8,7 минг гектар фойдаланилмаётган ер майдонларини ўзлаштириш орқали Хитой тажрибаси бўйича 412 та кооператив ташкил этилиб, уларга 19,2 минг нафар ишсиз, кам таъминланган ҳамда камбағал оила аъзолари бириктирилган ва уларга кооперативларнинг устав фондига аъзолик улуши сифатида 45,0 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилган. Шахсий томорқаларни ривожлантириш учун 30,8 минг кам таъминланган, айниқса, "темир дафтар"га киритилган оилаларга енгил типдаги иссиқхона қуриш, шахсий ва дала томорқасида экишга уруғлар, кўчатлар ҳамда суғориш воситаларини харид қилиш учун 84,6 млрд. сўм субсидия берилган.

Бундан ташқари, банд бўлмаган ва ишсиз аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ҳамда ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этиш бўйича Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган 7,8 млрд. сўм субсидия маблағлари ҳисобидан 7,4 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Эшитувда қайд этилганидек, меҳнат органлари йўлланмалари асосида касб-ҳунарга ўқитилган 25,3 минг нафар ишсиз фуқарога стипендия ва ўқув харажатлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 11,0 млрд. сўм тўланган. Айни пайтда банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи 13 та "Ишга марҳамат" мономаркази қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарлича жорий қилинмагани, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ишчилар малакасини ошириш масалаларига эътиборсизлик юртимизнинг айрим ҳудудларида ишсизлик даражасини пасайтиришга имкон бермаётгани алоҳида қайд этилди. Оқибатда бу ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандлик ҳолатларининг кўпайишига шароит яратмоқда. Депутатлар мазкур ҳолатларни бартараф қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан ҳам қизикди.

Эшитувда депутатлар аҳолининг бандлигини таъминлаш масаласида мавжуд имкониятлар ҳали тўлиқ ишга солинмаганига эътибор қаратиб, соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар берди.

Якунда билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# АҲОЛИНИНГ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

1 Шу боис ҳам Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборилди.

Айтиш жоизки, мазкур сўровни юборишдан аввал Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан соҳадаги мавжуд вазият батафсил ўрганиб чиқилди. Айни чоғда қўмита томонидан ўтказилган "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари ижроси, сув иншоотларини лойиҳалаш ҳамда қуриш, фойдаланишга топшириш, маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари ҳам тизимда муаммолар кўп эканини кўрсатди.

Жумладан, мамлакат бўйича ичимлик суви иншоотларининг умумий қуввати бир кеча-кундузда 11,8 млн. метр кубдан иборат бўлса-да, амалда унинг 60 фоизидан фойдаланилмоқда. Умумий узунлиги 70,3 минг километр бўлган ичимлик суви магистраль қувурлари ва тармоқларининг 38 фоизи, фойдаланилаётган 12 мингдан зиёд ичимлик суви қудуқларининг 29 фоизи таъмирталаб аҳволда. Устига-устак 2 мингта ёки 20 фоиз сув насослари ишдан чиққан.

Оқова сув тизими, бу, замонавий шаҳар ҳамда қишлоқ хўжалигининг яна бир зарурий қисми саналади. Унинг фаолияти бузилиши ҳудуддаги санитария-эпидемиологик вазият ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Бу бўғин дунёнинг кўпгина мамлакатларида инфратузилманинг ажралмас ва мажбурий қисмига айланиб улгурган. Аммо юртимизда бу йўналишда ҳам талай муаммолар йиғилиб қолган. Шаҳарларнинг фақат 79 таси, яъни 57 фоизида канализация тизими мавжуд бўлиб, уларнинг ҳам 23 фоизи таъмирга муҳтож.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сув хизматини яхшилашга ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш борасида ҳам жиддий хато ва камчиликлар мавжуд. Хусусан, жойига чиқиб ўрганилмасдан, назорат ўлчови ўтказилмасдан, бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари ҳужжатда тўлиқ акс эттирилмасдан, ичимлик суви манбаларига аниқлик киритилмасдан иншоотлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳолатлари мавжудлиги оқибатида самарасиз харажатларга йўл қўйилган.

Яна бир масала шундаки, тизимда соғлом рақобат муҳити йўлга қўйилмаган. Бу эса, ўз навбатида, айрим мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда, қоидабузарликка йўл очмоқда. Масалан, қўмитамиз томонидан ўтказилган ўрганиш чоғида лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи ташкилотлар қонун ҳужжатларига зид равишда танлангани аён бўлди. Оқибатда эса иншоотлар қурилиб ишга туширилмаслиги ёки қурилиш-монтаж ишларининг охирига етказилмаслиги, маблағларнинг самарасиз ишлатиб юборилиши каби ҳолатлар юзага келган.

Шунингдек, қурилиш ишларининг натижадорлигини назорат қилиш тизими ҳам талабга жавоб бермайди. Фойдаланишга топширилган айрим иншоотлар тегишли корхоналар томонидан самарасиз ишлатилган, оқибатда аҳолига ичимлик суви етказиб берилмаган. Ваҳоланки, қонунчиликда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашнинг барча асосий жиҳатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш ваколати берилган бўлса-да, айрим ҳудудларда бу вазифа йиллар давомида бажарилмасдан қолмоқда.

Ҳукуматга юборилган парламент сўрови мазкур муаммоларни бартараф этишга туртки беришига ишонамиз.

**Санобар СУЯРОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОН ФАОНИНГ ЕВРОПА МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАНИГА РАИСЛИК ҚИЛМОҚДА

1 — Минтақавий конференциянинг Европа учун навбатдаги сессияси эришилган натижаларни баҳолаш, янги муаммоларни аниқлаш, мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва истиқболини белгилашнинг муҳим босқичидир, — деди ФАОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Шерзод Умаров. — Ишончим комилки, тадбир давомида ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги минтақавий озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ таҳдид ва муаммоларга қарши самарали курашиш борасида энг муҳим қарорлар қабул қилинади.

БМТнинг 2021 йилги озиқ-овқат тизимлари саммити олдидан анжуман иштирокчилари асосий эътиборни Европа ва Марказий Осиёда барқарор озиқ-овқат тизими ҳамда соғлом овқатланиш билан боғлиқ масалаларга қаратди. Ялпи мажлис, вазирлар иштирокидаги давра суҳбати ва бошқа турли шаклдаги мулоқот давомида овқатланиш ҳамда барқарор озиқ-овқат тизими ҳолати кўриб чиқилиб, айни йўналишлар бўйича минтақадаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масаласи, ўзаро боғлиқ муаммолар, мавжуд имкониятлар таҳлил қилинди.

— Яқинда тарихий воқеа — ФАОнинг 75 йиллигини кенг нишонладик, — деди анжуман қатнашчиларига мурожаат қиларкан, ФАО Бош директори Цюй Дунъюй. — Умуман, бугунги глобаллашув даврида Ер юзидаги ҳар бир инсоннинг тўйимли озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, очарчиликка бутунлай барҳам беришдек жиддий масъулият ташкилотимиз зиммасидаги мажбуриятни янада кучайтиради. Европа учун ФАО минтақавий конференциясининг 32-сессияси айни мажбуриятлар ҳақиқатда амалга ошишини таъминлаш учун яхши имкониятдир. Янги ғоялар, мустаҳкам ҳамкорлик — самарали ишлаб чиқариш, яхши овқатланиш, қулай муҳит ва фаровон ҳаётга элтувчи йўлдир.

Конференциянинг биринчи кунида яна бир муҳим мавзу — БМТ оилавий деҳқончилигининг ўн йиллиги доирасида ёшлар, ёшлар бандлиги ва қишлоқ тараққиёти масаласи диққат марказида бўлди. Муҳокама доирасида қишлоқ хўжалигида кичик мулкдорлар, оилавий фермерлар ҳамда қишлоқ ёшларининг аҳволи таҳлил этилди. Жумладан, Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги қишлоқ ҳудудларини ўзгартириши мумкин бўлган стратегиялар ҳақида фикр юритилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Шуҳрат Ғаниев иштирок этди.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО Минтақавий конференциясининг Европа учун ўттиз иккинчи сессияси 4 ноябргача давом этади.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Холбўтаевга падари бузруквори

**ЖОНУЗОҚ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Самарқанд давлат тиббиёт институти жамоаси институтнинг дипломдан кейинги таълим факультети Акушерлик ва гинекология кафедраси профессори

**Жамолиддин АБДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро нигоҳ



# ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАРАҚҚИЁТГА ИНТИЛИШ

*Бутун дунёда авж олган пандемия таъсиридан биринчилардан бўлиб Хитой Халқ Республикаси ўнгланишни бошлади. Дунёнинг иккинчи йирик иқтисодиёти тикланиш йўлидаги тамойилларини намойиш этмоқда. Яъни янги шароитда ҳам Хитой ўзининг иқтисодий ютуқлари асоси бўлган ислоҳот ва очиқлик сиёсатини амалга оширишда дадил одимлаётир. Бундай ўсишга қулай ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити, махсус иқтисодий ҳудудлар ва инновацион шаҳарларнинг ривожланиши кўмаклашаётгани ҳам айни ҳақиқат.*

*Хитойга хос бўлган шижоат ҳамда хорижий бизнесни қай тарзда тез тиклаш мумкинлиги, сайёрамиздаги энг тез ривожланаётган шаҳар қандай истиқболга интилаётгани ҳақида "Синьхуа" ахборот агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланган қуйидаги мақола орқали танишишингиз мумкин.*

## ДОНОЛИК — ОЧИҚЛИКДА

*COVID-19 пандемиясининг оқибати глобал инвестицияларнинг кенг пасайишига олиб келган бўлса-да, трансмиллий компаниялар бизнеснинг тез тикланиши ва очиқликка бўлган қатъий садоқати туфайли Хитойда ўз улушларини кўпайтирмоқда.*

Сентябрь ойида Хитойнинг материк қисмидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилдагига нисбатан 25,1 фоиз ўсиб, 99,03 миллиард юан (тахминан 14,85 миллиард доллар)га етди. Шундай қилиб, расмий маълумотларга кўра, мамлакатда кетма-кет олтинчи ой давомида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ижобий ўсиши кузатилмоқда.

"JLG", "Uniqlo" ҳамда "Nestle" каби лифт ускуналарини ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи фирмалари бу йил янги инвестиция режаларини эълон қилди ва Хитойга янги инвестициялар киритди. Кўплаб йирик шериклар бошқа мамлакатларга қараганда Хитойда кўпроқ даромад олганликлари ҳақида хабар беришди.



— Ишончимиз комилки, Хитой иқтисодиёти тез тикланмоқда, шунинг учун авиацион-космик саноатга техник хизмат кўрсатиш "занжири" жадал янгиланмоқда, — дейди "Goodrich Aerostructures Service" бош директори Жек Лю.

Шимолий Хитойнинг Тяньцзин шаҳрида фаолият юритаётган, қароргоҳи Шимолий Каролина (АҚШ)да жойлашган аэрокосмик маҳсулотларни етказиб берувчи "Collins Aerospace" компаниясининг филиали ҳисобланмиш самолётларга техник хизмат кўрсатиш провайдери шу йилнинг биринчи ярмида савдо даромадларини 17 фоизга оширди, компаниядаги ишчилар сони 11 фоиз ўсди.

— COVID-19 сабаб келиб чиққан инқирозни енгиб, даромадларнинг ўсишига эришдик, чунки биз Осиё — Тинч океани минтақаси ва бутун дунёда аэрокосмик хизмат кўрсатиш соҳаси сезиларли зарба олишига қарамай, ўз фаолиятимизни тезда тикладик, — дея таъкидлади Жек Лю.

Дарҳақиқат, компания март ойининг бошидаёқ ўзини тезда ўнглаб, иш фаолиятини тўлиқ тиклади.

Коронавирусни самарали жиловлашга асосланиб, Хитой ҳам хорижий, ҳам маҳаллий фирмалар учун бизнес ва ишлаб чиқаришни қайта тиклашни фаол равишда тарғиб қилмоқда. Бунда пандемиянинг олдини олиш воситаларини етказиб беришни таъминлаш ҳамда ижтимоий суғурта бадаллари каби баъзи тўловларни камайтиришга таянмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, март ойининг охирига келиб хорижий инвестициялар иштирокидаги қарийб 9 минг етакчи компаниянинг 66,9 фоизи ишлаб чиқариш қувватининг 70 фоизидан кўпини тиклаган.

— Хитой ҳукумати кўмаги билан COVID-19 пандемияси таъсиридан муваффақиятли чиқиб, компаниямиз ўз сармоясини кўпайтиришга қарор қилди, бу бизнинг ушбу мамлакатга узоқ муддатга келганимиз, яъни садоқат ҳамда ишончнинг ёрқин намойишидир, — дейди "Nestle Greater China Region" раиси ва бош ижрочи директори Рашид Куреши.

Май ойи охирида компания маҳсулот турларини кенгайтириш учун 730 миллион юандан зиёд янги сармоя киритилишини эълон қилди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар доирасида хорижий инвестициялар камайишининг олдини олиш ва уларнинг манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш орқали Хитой тобора қулай ишбилармонлик муҳитини яратмоқда.

Жек Люнинг сўзларига кўра, у бошқарадиган компания маҳаллий ҳокимият ёрдамида автоклавлар (оғирлиги қарийб юз тоннага тенг қурилмалар)ни ўрнатган ва шу билан монтаж вақтини тенг ярмига қисқартирган. Маҳаллий божхона идораси техник хизмат кўрсатишни талаб қиладиган буюмларни олиб кириш ва олиб чиқишда божхона расмийлаштируви муддатларини уч кундан бир неча соатга қисқартирди. Бу йилига тахминан 1 миллион юанни тежашга имкон беради.

— Биз Хитойга сармоямизни кўпайтирамиз, бинобарин, мамлакат иқтисодиёти ўсиб бориши билан жаҳон аэрокосмик техник хизмат кўрсатиш бозорида катта улушга эга бўлади, — дейди Лю.

Бу фикрни АҚШнинг турли жабҳаларда фаолият юритувчи юздан ортиқ компаниялари қўллаб-қувватламоқда. Айтайлик, шу йил бошида АҚШ — Хитой ишбилармонлар кенгаши томонидан сўровнома ўтказилганида, иштирокчиларнинг деярли 70 фоизи Хитой бозорининг тижорат истиқболларига некбин нигоҳ билан қарашини, 87 фоизи эса ушбу мамлакатдан ишлаб чиқаришни бошқа жойга ўтказишни режалаштирмаганлигини билдирган.

Мамлакат хизматлар трансчегаравий савдосининг салбий рўйхатини амалга ошириш ва мазкур жабҳа учун бозорга киришни янада осонлаштириш тўғрисидаги қарорини эълон қилиш орқали сентябрь ойида якунланган Хитой Халқаро хизматлар савдо кўргазмаси пайтида ташқи дунёга ўз эшикларини янада кенгроқ очди.

Ушбу тамойилни "Executive Intelligence Review" Америка нашрининг Вашингтондаги бюроси раҳбари Уилям Жонс қуйидагича изоҳлади: "Хитой очиқликни давом эттиришда донолик билан ҳаракат қилди. Ва бу очиқликдан дунё фақат фойда кўрди".



## ШЕНЧЖЕННИНГ ЯНГИ МИССИЯЛАРИ

*Жанубий Хитойнинг мегаполис шаҳри Шенчжен мамлакатнинг иқтисодий тарихидаги кўплаб ибтидолар билан машҳур: илк бор кимошди савдосига қўйилган ер, биринчи бўлиб чиқарилган акциялар ва 1949 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганидан кейин уюштирилган дастлабки экспорт саноат ҳудуди.*

Биринчилик анъанаси ушбу шаҳар 1980 йилда илк махсус иқтисодий ҳудуд сифатида белгиланган кундан бошлаб Хитойнинг кузатувчилар учун ўзига хос "дераза" бўлишига имкон берди ва бу ХХР ислоҳотлар ҳамда ташқи очиқлик орқали ўсишига йўл очди.

Ҳали яна бир неча ўн йиллар ўтгач, мамлакат ўртача фаровон жамиятни тўлиқ қурмоқчи бўлса, "дераза" — очиқ.

Хитой ўзининг 14-беш йиллик режасини (2021 — 2025) ишлаб чиқаётганда, Шенчжен тажрибаси яна бир бор эътиборини Хитойнинг келажагига қаратди, чунки шаҳар мамлакат динамикасини бошқариш учун янги вазифаларни ўз зиммасига олди...

### Инновацияларга асосланган барқарорлик

Шу йилнинг август ойида Шенчжен шаҳардаги 5G таянч станцияларининг умумий сони 46 мингдан ошиб, шаҳарни бешинчи авлод тармоғи билан тўлиқ қамраб олганлигини эълон қилди.

Бу нафақат мобиль алоқа фойдаланувчилари учун, балки ушбу технология ёрдамида янги имкониятларни кашф этмоқчи бўлган корхоналар учун ҳам яхши янгиликдир.

"Deep Route" вице-президенти Лю Няньцюнинг сўзларига кўра, ўзини ўзи бошқарадиган транспорт воситасини ишга тушириш 5G тадқиқотлар ва ишланмаларни янада қулайлаштирди. Ушбу технология компаниянинг ўзини ўзи бошқарадиган транспорт воситаларининг синов дискларини масофадан туриб мувофиқлаштиришга ҳамда назорат қилишга ёрдам беради.

5Gдан сунъий интеллектгача бўлган замонавий технологиялар Шенчженга коронавирус пандемияси Хитойнинг аксарият қисмида иқтисодий таназзулга олиб келганда, яъни 2020 йилнинг биринчи ярмида ўсишни сақлаб қолишга ёрдам берди. Январь — июнь ойларида 5G ва бошқа инновацион соҳалардаги туб бурилиш туфайли кўплаб технологик компаниялар жойлашган Наншан шаҳри ҳудудида ЯҲМ 2,5 фоиз ўсди.

Техника тараққиёти йўлидаги кучли туртки Шенчженнинг технологик ва саноат инновацияларида дунё етакчисига айланиши учун энг юқори ҳокимиятларнинг чақириқларига айланди.

Корхоналардан ташқари, давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган инновацион лойиҳалар ҳам ривожланиб бормоқда.

Юаннинг рақамли валюта лойиҳасини синовдан ўтказган биринчи шаҳар сифатида Шенчжен фойдаланишни тарғиб қилиш учун 10 миллион юан (тахминан 1,5 миллион доллар)га тенг рақамли валюта чиқарилишини эълон қилди.

— Инновация — асосий ҳаракатлантирувчи куч, — дейди Хитой тараққиёт институти директорининг ўринбосари Го Ваньда.

Ушбу хулоса эса Шенчжен омилини ҳисобга олган ҳолда Хитойнинг иқтисодий мўъжизасини ўрганиш натижаларини асослайди.



### Глобаллашув руҳи

"Вақт — пул, самарадорлик — ҳаёт".

Минскдаги Хитой — Беларусь саноат паркига кириш эшиги ёнида хитой ва рус тилларида катта плакат шундай бонг уряпти.

Ушбу шиор тахминан 40 йил олдин, Шенчженда саноат ҳудуди қурувчиларига вақтдан унумли фойдаланиш ва иқтисодий мўъжизага интилишни эслатиш учун илгари сурилган эди.

Бугунги кунда Шенчжен глобаллашув ролини ўзида мужассам этган ва бу руҳ Минскдаги саноат паркида ўз аксини топмоқда.

Шенчжендаги саноат зоналари намунасида ишлаб чиқарилган Хитой — Беларусь саноат паркида бугунги кунда умумий қиймати 1,17 миллиард доллар бўлган 60 та инвестиция лойиҳаси мавжуд.

— Хитойнинг жаҳонга чиқиши кейинги 40 йил ва ундан кейинги давр учун тамойилга айланади, — дейди Сямэнь университети профессори Чжоу Инган.

Унинг фикрича, глобаллашув кучли "шамол"га дуч келаётган бир пайтда Хитой глобаллашувнинг янги турига етакчилик қилишда фаолроқ бўлиши керак ва бу борада махсус иқтисодий ҳудудларнинг роли сезиларли даражада ошиши кутилмоқда.

### Намунавий шаҳар

Яқинда ХХР Шенчженни келгуси беш йил ичида Хитойга хос хусусиятларга эга бўлган социализмнинг намунавий ҳудудига айлантириш бўйича парвоз вариантли ислоҳотларни амалга ошириш режасини эълон қилди.

Агар ушбу метрополга катта мухторият берилса, нафақат ислоҳотлар ва уларнинг очиқлиги, балки аҳоли фаровонлиги, экология ҳамда шаҳарда жойлашув каби соҳаларда ҳам ютуқлар кутилмоқда. Хусусан, иш билан таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва қариялар парвариши билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилинади.

Ўтган йили оммалаштирилган узоқ муддатли режага кўра, XXI асрнинг ўрталарига келиб, Шенчжен дунёдаги етакчи космополис шаҳарлардан бирига ва рақобатбардош, инновацион салоҳият ҳамда таъсирга эга глобал лидерга айланади.

13 миллиондан зиёд доимий аҳолини яшил майдон билан таъминлаш учун шаҳар бўйлаб 1200 дан кўп боғлар қурилди. 2008 йилда Шенчжен ЮНЕСКО томонидан "Дизайн шаҳри" деб эълон қилинди ва 2013 йилда ташкилот шаҳарни "Ўқиш тарғиботининг глобал модели" деб номлади.

— Шенчженни кузатаётган дунё Хитойнинг кейинги қадамларини қалбан ҳис қилади, — деди Хитойнинг Сянган университети олими Чжэн Юннянь.

У Шенчженнинг стратегик, инновацион ва пухта ислоҳотларга содиқлигини таъкидлаб, Хитойга хос хусусиятларга эга намунали социалистик ҳудудни барпо этишнинг муваффақият манзили яқин қолди, деб ҳисоблайди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 459 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.20 Топширилди — 05.00 1 2 3 4 5 6